

2023
9-IYUL
O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
PREZIDENTI SAYLOVI

Жорий йил 9 июль куни давлатимиз ва халқимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Марказий сайлов комиссияси ушбу сиёсий тадбирни халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликка мувофиқ ўтказиш бўйича тизимли ишларни амалга оширмоқда.

САЙЛОВЛАРНИ ТАШВИҚОТИ
ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ
КАМПАНИЯСИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Сайлов кодексига мuddатидан илгари Президент сайлови тайинланган тақдирда сайлов икки ой ичида ўтказилиши белгиланган. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш

ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш мuddатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Давоми 3-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

Жиззах: ТАРАҚҚИЁТ САРИ
ДАДИЛ ҚАДАМЯқин келажакда Ўзбекистон
чой импорт қилувчи
мамлакатдан экспорт қилувчи
ўлкага айланади

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларда “Инсон қадрни учун” тамойили устуворлик касб этмоқда. “Инсон — жамият — давлат” ғояси давлатимизнинг энг олий мақсадига айланди. Ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити, замонавий инфратузилма, ижтимоий ҳимоя тизими ва соғлом экологик муҳит яратиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълимни йўлга қўйиш эса асосий вазифаримиз ҳисобланади.

Юртимиз ҳудудининг марказий қисмида жойлашган Жиззах вилоятида ҳам мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тобора олға одимламоқда. Қайси соҳани олманг, ривожланиш сари илгарилаб бораётганига гувоҳ бўласиз. Жиззахда қурилаётган турар жой, маъмурий ва хизмат кўрсатиш бинолари, ишлаб чиқариш корхоналари кўлами ҳудудда шу пайтга қадар бундай улкан ўзгаришлар бўлмаганини кўрсатиб турибди.

Давоми 2-бетда



БУНЁДКОРЛИК МАНЗИЛЛАРИ

ТЕМИР ЙЎЛ БОРГАН ЖОЙДА
ҲАЁТ ЯҚОНЛАНАДИ

Вақтнинг ҳар бир дақиқаси ғанимат ва қадрли. Шу маънода, замонавий транспорт воситалари узоғимизни яқин, мушкуллимизни осон қилиб келади. Мисол учун, 2017 йилга қадар Тошкент шаҳридан Урганчга қатновчи поездлар Навоий — Учқудуқ — Мискин магистралли орқали 1 минг 64 километр йўл босар эди. 2018 йилда Бухоро — Мискин темир йўли қурилиб, Хивагача масофа 242 километрга қисқарди.

Йўлнинг қисқаргани яхши. Лекин ана шу масофани янада тезроқ босиб ўтишни имкони борми? Албатта, бор. Бунинг учун ушбу магистралли электрлаштириш ва учқур поездлар қатновини йўлга қўйиш зарур. Чунки электр поездининг унумдорлиги 4,5 баробар юқори. Йўлнинг самарадорлиги шунга яраша анча ошади. Масалан, поезд-



ларнинг юқори тезлиги соатига 250 километргача бўлиши йўловчиларнинг Тошкентдан Урганчга етиб бориш вақтини 14 соатдан 6 соатга, Бухородан Хивагача эса 8 соатдан 3 соатгача қисқартиради. Бу аҳоли ва меҳмонлар-

га катта қулайлик яратиб, туризм ривожига ҳам муҳим омил бўлади. Тезлик эвазига темир йўлнинг ўтказувчанлиги ҳам ошади. Юк ташиш имконияти йилга қўшимча 11 миллион тоннагача, йўловчилар сони 2 миллион

300 минг нафарга кўпаяди. Поездлар электр энергиясида юриши ҳисобига йилга 18 минг тонна дизель ёқилғиси тежалаяди.

Давоми 4-бетда

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ЯШИЛЛИККА БУРКАНСИН ОЛАМ



Чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш масаласи бугун дунёдаги энг глобал экологик муаммолардан бири ҳисобланади. Охирги йилларда жаҳонда иқлим ўзгариши юз бераётгани, ичимлик сув, ўрмонлар, яшил ҳудудлар тобора камайиб бораётгани дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Ҳозир сайёрамиздаги ўрмонларнинг умумий майдони 38 миллион квадрат километрни, яъни қуруқликнинг учдан бир қисмини ташкил этиб, унинг атиги 13 фоизи муҳофаза этиладиган ҳудудлар тоифасига қиради.

Ўрмонлар атмосферага ис гази ташламаларини камайтириб, кислород ишлаб чиқаришни таъминлайди ва ёмғирли булутларни ҳосил қилади. Бироқ ҳар куни дунё ўрмонлари майдони муттасил камайиб бормоқда ва ҳар соғияда Ер юзи 1,5 гектардан орттиқ табиий дархазорни йўқотмоқда. 17 июнь — Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш куни сифатида нишонланади. 1994 йил

ҳудди шу санада БМТнинг чўлланишга қарши курашиш конвенцияси қабул қилинган. Мазкур халқаро ҳужжат 1995 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Осиё қитъасида биринчилардан бўлиб ратификация қилинган. Айни пайтда бу конвенцияни дунёнинг 196 мамлакатлари қўллаб-қувватлаб келади.


Давоми 4-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ
МУВАФФАҚИЯТЛАРИ МАМЛАКАТНИНГ
ХОРИЖИЙ ШЕРИКЛАР БИЛАН
ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА
ҚАРАТИЛГАН ОЧИҚЛИК СИЁСАТИНИ
ЎЗИДА АКС ЭТТИРАДИВашингтонда янги Ўзбекистон мавзусига
бағишланган тақдимот бўлиб ўтди

Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ишлари доирасида мамлакатимиз дипломатия миссияси томонидан АҚШ Миллий пресс-клуби билан ҳамкорликда Американинг етакчи ва АҚШ пойтахтида аккредитациядан ўтган халқаро оммавий ахборот воситалари вакиллари учун “Янги Ўзбекистон” тақдироти уюштирилди.

Давоми 2-бетда

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ
КЕНГАЙМОҚДА

Фарғона шаҳрида ҳудудий тармоқлараро савдо ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда вилоятда тўқимачилик ва ипакни қайта ишлаш, чарм-пойабзал, мебелсозлик, нефть-газ саноати, муқобил энергия, қурилиш, кимё саноати, электротехника ва бошқа йўналишларда фаолият кўрсатаётган корхоналар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Давоми 2-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

Жиззах: ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Яқин келажакда Ўзбекистон чой импорт қилувчи мамлакатдан экспорт қилувчи ўлкага айланади

Абдували МУСТАНОВ, Жиззах вилояти ҳокимининг молия-иқтисодийёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Барча соҳалардаги ислохотлар самараси ўлароқ, ишлаб чиқариш корхоналари сонининг ошиб бориши натижасида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми тарихда илк бор 27,1 триллион сўмга етди.

Жорий йилнинг ўзига вилоятда 590 миллион долларлик 8 та йирик лойиҳа ва 656 миллион долларлик 136 та ҳудудий sanoat лойиҳаси ишга туширилди. Натижада 8,1 мингта янги иш ўрни яратилди. Худудда sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш 14 фоиз ошди. Махсус sanoat зоналарида умумий қиймати 150 миллион долларлик 58 та лойиҳа ишга туширилди.

“Учуқлоқ” кўрғошин-рух конини қайта тиклаш лойиҳаси ишга туширилди. Кондан йилга очик усулда 500 минг тонна яримметалл руда қазиб олинди, лойиҳа доирасида яқин келажакда рудани қайта ишлаш фабрикаси қурилади. Натижада ҳар йили 5 минг 400 тонна рух концентрати ҳамда 18 минг 400 тонна кўрғошин концентрати олинади. Лойиҳа бўйича мавжуд рудалар омбори ва майдалаш-ортиш узели тўлиқ таъмирланади. Ташқи муҳандислик коммуникациялари барпо этилади. Автомобиль ва темир йўлларда реконструкция ишлари олиб борилади. Мухими, лойиҳа амалга оширилиши натижасида камида 600 иш ўрни яратилади ҳамда ҳудуднинг иқтисодий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилади.

Ғаллаорол туманидаги “Қўйтош” конини ўзлаштириш ва атрофда геология қидирув ишлари олиб бориш давом этмоқда. Умуман, ушбу соҳада қиймати 460 миллион долларлик 31 та инвестиция лойиҳасини ишга тушириш белгиланган.

Вилоятда аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида 2022 йилги уй-жой дастури доирасида 1504 хонадонли 49 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун жами 19,7 миллиард сўм субсидия ажратилди. Бу шунча хонадоннинг оғири енгил бўлди, оилага қувонч ва шодлик кирди, дегани. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардан мақсад ҳам шу-ку, аслида.



Жорий йилда турли массивларда жами 3 минг 15 хонадонли 79 та кўп қаватли уй-жой қурилиб, зарурий инфратузилма билан таъминланади. Яна минглаб юртдошларимиз уйли-жойли бўлади. Энг хайрли, адолатли томони шундаки, бу уйлар, асосан, уйсиз, ёрдамга муҳтож оилаларга берилади. Уйлардаги шaroитлар эса катта шаҳарлардагидан асло қолшмайди.

Вилоятда “Яшил иқтисодиёт”ни жорий этиш режалари ҳам жадал амалга оширилмоқда. Давлат идоралари ва ишлаб чиқариш корхоналари, фуқароларнинг хонадонларига қуёш панеллари, иситиш ускуналари ўрнатилмоқда. Демак, энди қишли-қировли, совуқ кунларда ушбу корхоналар ва идоралар ишчилари, хонадонлар эгалари бугун электр учиб қолмасми-кан, деган хавотир билан яшашмайди.

Ғаллаорол туманида Бирлашган Араб Амирликлари “Масдар” компаниясининг 200 миллион долларлик



тўғридан-тўғри инвестицияси ҳисобига 220 мегабайтлик йирик қуёш станцияси ишга туширилиши натижасида жорий йилда 100 миллион киловатт-соат ва 2024 йилда тўлиқ қувватга чиқиб, 500 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади.

Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида Форишда 150 мегабайт қувватга эга йирик қуёш фотоэлектр станцияси қурилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари томонидан 13 та объектда қуввати 30 мегабайт бўлган кичик фотоэлектр станциялари барпо этилади. Зафаробод тумани ҳудудидан ўтувчи кичик дарёчада қиймати 4,3 миллиард сўмлик 2 та микро гидроэлектрстанция қурилади.

Аҳолининг кўмакка муҳтож қатламини иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш мақсадида ўтган йили бошланган янги тизим асосида деҳқон хўжалигини юритиш учун пахта-ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига 10 сотихдан 1 гектаргача ер ажратиш ишлари давом эттирилиб, жорий йилда 4,5 минг гектар ер майдони мазкур тоифадаги аҳолига берилиши белгиланган. Шунингдек, соҳада мавсумий ишларга жалб қилиш орқали фақатгина қишлоқ хўжалиги йўналишининг ўзига 75 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 2 майдаги “2023-2025 йилларда Жиззах вилоятини комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори вилоятнинг янги тараққиёт босқичига чиқишига йўл очди.

Мазкур қарор билан вилоятни комплекс ривожлантириш, аҳоли бандлигини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, фойдаланилмаётган давлат активлари, мавжуд табиий ресурсларни ишга тушириш, иқтисодий инфратузилма объектлари ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ва таъмирлаш орқали аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга оид чора-тадбирлар белгилаб олинди. Мазкур ҳужжатга асосан ажратилган маблағлар ҳисобига янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, йўлбўйи инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда хизматлар соҳасини янада ривожлантириш, кичик sanoat зоналари инфратузилмасини яхшилаш, коммуникация тармоқларини қуриш, таъмирлаш ва ободонлаштириш тадбирларини амалга ошириш натижасида вилоят аҳолисининг 530 минг нафари ёки 36 фоизининг яшаш шaroитлари яхшиланишига эришилади. Жумладан, жорий йилда 135 минг нафар аҳолини иш билан банд қилиш орқали вилоятда ишсизлик даражаси ҳозирги 9,3 фоиздан 8,7 фоизга туширилади.

Вилоятимизда пиллачилликни ривожлантириш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи sanoat корхоналари, шунингдек, республикамиз бўйича янгилик бўлиши қўйлаётган Бахмал, Зомин, Янгиобод туманларида чой етиштиришни йўлга қўйиш кўзда ту-

тилмоқда. Агар бу иш муваффақиятли амалга оширилса, Ўзбекистон чой импорт қилувчи мамлакатдан экспорт қилувчи ўлкага айланади.

Қурилиш материаллари sanoatини ривожлантириш ва хомашё захираларини чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида 25 та ер қазри участкаси аукцион савдоларига чиқарилади.

Аҳолига янги тизим асосида деҳқон хўжалиги учун ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида 16 та “Агрегатор” лойиҳаси амалга оширилиб, шу орқали вилоятдаги 18 та маҳаллада 1200 нафар аҳоли учун иш ўрни яратилади. Йилга ўртача 15,4 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аҳолидан йигиб олинди, маҳаллини ва ташқи бозорларга сотилиши йўлга қўйилади.

Мазкур қарор билан қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп йиллардан буён ишлатилмасдан турган 1371,7 гектар ер майдонларининг тоифаси ўзгаририлиши натижасида умумий қиймати 1,7 триллион сўмлик 1250 та лойиҳа ташкил этилади ва 5400 нафар фуқаро ишли бўлади. Хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасида жами 293,5 гектар инфратузилма мавжуд бўлган йўлбўйи ер майдонларида қиймати 125 миллиард сўмлик 1051 та лойиҳа амалга оширилади.

Қарор асосида 8 та меҳмонхона, 407 та савдо дўкони, 124 та умумий овқатланиш, 118 та автомобилларга хизмат кўрсатиш, 63 та санитария-гигиена ва 151 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 31 та спорт ва соғломлаштириш маркази, 98 та кемпинг,

42 та бассейн ҳамда тиббий хизмат соҳаларида 9 та лойиҳа ишга туширилади. Sanoat соҳасида жами 1078,3 гектар ер майдонидан умумий қиймати 1,6 триллион сўмлик 192 та лойиҳа ташкил этилиши ҳисобига 2650 та янги иш ўрни вужудга келади.

Мазкур қарор билан жорий йилда вилоятда 2 та кичик sanoat зонаси ташкил этилиб, умумий қиймати 4,8 триллион сўмлик 36 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилади. Ушбу лойиҳалар доирасида 343 миллион доллар микдорда тўғридан-тўғри хориж инвестицияси ва кредитлари жалб қилинади. Натижада янги маҳсулот турлари ишлаб чиқарилиб, шу орқали қўшимча қиймат занжири яратилади.

Ушбу кичик sanoat зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш учун жами 113,8 миллиард сўм маблағ йўналтирилади. Шунингдек, умумий қиймати 449,8 миллион доллар бўлган 20 та йирик лойиҳани амалга ошириш орқали рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, 8 та лойиҳа доирасида хорижий брендлар асосида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш орқали 935 миллион долларлик инвестиция жалб қилиниб, электромобиллар ва қуёш панеллари ишлаб чиқариш бошланади.

Қарорда дунёга машҳур Италиянинг “Cotonella”, Россиянинг “Остин”, “Твое”, “Gloria jeans” ҳамда “Faktor Zolla” компаниялари бренди асосида ҳудуддаги корхоналар томонидан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади. Энг муҳими, тайёр маҳсулотлар Европа ва Осиё давлатларига экспорт қилиниши белгиланган.

Вилоят аҳолиси учун энг зарур ва аҳамиятли бўлган иқтисодий инфратузилма объектлари ва коммуникациялар ҳолатини янада яхшилаш учун 205 та объектга республика бюджетидан 406,1 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда. Ушбу маблағ ҳисобига вилоятда амалга оширилаётган кенг қўламадаги қурилиш, инфратузилмани ривожлантириш, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари биноларини замонавий меъморчилик асосида бунёд этиш ишлари янада кенгайди.

Вилоятнинг ҳозирги тараққиёт кўрсаткичлари, 2023-2025 йилларга мўлжалланган улкан иқтисодий ва иқтисодий лойиҳа ҳамда устувор вазифалар таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Жиззах яқин келажакда янги Ўзбекистоннинг энг обод ва ривожланган ҳудудига айланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ МАМЛАКАТНИНГ ХОРИЖИЙ ШЕРИКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ОЧИҚЛИК СИЁСАТИНИ ЎЗИДА АКС ЭТТИРАДИ

Вашингтонда янги Ўзбекистон мавзусига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди

Бошланиши 1-бетда

Тадбирда “Bloomberg”, “BBC News”, “The Diplomat”, “The Hill”, “CNBC”, “ZDF German TV”, “Voice of America”, “Spectrum News”, “Washington Diplomat”, “Axios”, “Turan News Agency” каби ОАВ вакилларидан иборат 35 нафар журналист ва медиаменеджер иштирок этди.

Тадбир аввалида унинг иштирокчилари Ўзбекистонда кечаётган кенг қўламли ислохотларнинг бориши ва улар бераётган салмоқли натижалар, қабул қилинган янги Конституциянинг мазмун-моҳияти, ташқи ва минтақавий сиёсатининг устуворликлари ҳамда президент сайлови кампаниясининг бориши билан яқиндан танишдилар. Кўп қиррали Ўзбекистон — Америка стратегик шериклиги изчил ривожланиб бораётгани ҳам ислохотлар сиёсатининг самараси экани алоҳида таъкидланди.

Тадбир доирасида Ўзбекистоннинг сармоявий ва сайёҳлик салоҳияти ҳамда мамлакатимизнинг бой маданий-тарихий меросига бағишланган тақдимот ўтказилди.

Миллий пресс-клуб вице-президенти, “Bloomberg” нашри шарҳловчиси Эмили Уилкинс сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш муҳимлигини таъкидлаб, Ўзбекистонда бу борада катта муваффақиятларга эришилаётганидан воқиф эканидан қайд этди. У мамлакатимизнинг сайёҳлик ва иқтисодий салоҳияти тақдимотини юқори баҳолаш баробарида Вашингтон шаҳри журналистлар ҳамжа-

66

“The Hill” нашри мухбири Саракиши Раи “Ўзбекистон маданияти ва миллий таомллари, шунингдек, республикада рўй бераётган ўзгаришларнинг юқори суръатлари ҳамда яратилаётган сайёҳлик ва сармоявий имкониятлардан ҳайратлангани”ни маълум қилди.

миятининг Ўзбекистон ҳақида хабардорлигини ошириш борасида дипломатия миссияси билан яқин ҳамкорликка тайёр эканини билдирди.

“The Hill” нашри мухбири Саракиши Раи “Ўзбекистон маданияти ва миллий таомллари, шунингдек, республикада рўй бераётган ўзгаришларнинг юқори суръатлари ҳамда яратилаётган сайёҳлик ва сармоявий имкониятлардан ҳайратлангани”ни маълум қилди.

Мустангил журналист Флавиус Михайес тақдимот билан танишгач, турли динлар вакиллари (мусулмонлар, насронийлар, яҳудийлар) асрлар давомида тинч-тотув яшаб келаётган Ўзбекистонда ҳукм сураётган толерантлик муҳитидан таъсирланганини эътироф этди.

“Мен бугун икки минг йилдан зиёд давр мобайнида ўзбек жамиятининг бир қисми бўлган яҳудий жамоасининг вакиллари мамлакатингизда тинч-тотув яшаб келаётганини кашф этдим. Бағрикенгликнинг бундай ноёб тажрибаси ҳақида тез-тез айтиб туриш керак, шунда одамлар бу ҳақда кўпроқ билади”, деди у.

“Мен дунёнинг кўплаб давлатларида бўлганман ва энди меннинг янги мақсадим бор — Ўзбекистонга боришни истаяпман. Бугун биз мамлакатингиз ҳақида кўп нарсаларни билиб олганимиз ҳолда Ўзбекистонни қайта кашф этдик. Шубҳа йўқки, юртингиз улкан салоҳиятга эга ва мен уни ўз кўзим билан қуришни мақсад қилдим”, деди “Associated Press” агентлигининг Хиндистон ва Япониядаги собиқ мухбири Майрон Белкинд.

Умуман олганда, Американинг етакчи ва Вашингтонда аккредитациядан ўтган халқаро оммавий ахборот воситалари вакиллари яқдиллик билан дипломатик ваколатхонанинг кенг қамровда журналистларни тақлиф этган ҳолда ташкил қилган ушбу тадбири Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган очиклик сиёсатини ўзига акс эттиради, деган фикрни билдирди.

“Дунё” АА
Вашингтон



МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Бошланиши 1-бетда

Ишлаб чиқаришга жорий этилган истиқболли лойиҳалар маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш имкониятини бермоқда. Маҳсулотлар пишқи-пухта ва ҳамёнбонлиги билан ажралиб туради.

— Ҳудудий тармоқлараро sanoat ярмаркаси корхоналар sanoat салоҳиятини, импорт ўрнини босувчи маҳсулот турлари ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро таъриба алмашиш, маҳаллий корхоналар ўртасида sanoat кооперациясини янада чуқурлаштириш

майдони бўлиб хизмат қилмоқда. — дейди Фарғона вилояти ҳокимлиги маҳаллий sanoatни ривожлантириш бўлими бошлиғи Мансуржон Нажмидинов. — Айни кунда 140 та янги лойиҳа бўйича иш олиб борилмоқда. Бунинг ҳисобига импорт ўрнини босувчи 247,3 миллион долларликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилади, 32,8 миллион долларлик экспорт қилиниб, 1200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Тармоқлараро sanoat ярмаркаси-дан ўрин олган маҳсулотлар ранг-баранг ва иқтисодий самарадорлиги билан ажралиб туради.

Фарғона давлат университети физика технологиялари факультети

устоз ва талаба ёшлари томонидан ишлаб чиқаришга жорий этилган шамол сув насослари, Фарғона политехника институты ёшлар инновация маркази, “Оптика-инновация” МЧЖ томонидан тақдим қилинган фотоэлектрлик автоном светофор, ипак ва пахта толасини қайта ишлаш, кимё, чарм-полабзал, мебелсозлик йўналишларида ишлаб чиқарилаётган маҳаллий маҳсулотлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди, манфаатли ҳамкорлик юзасидан шартномалар имзоланди.

— Ҳудудий тармоқлараро sanoat ярмаркасида, 2023-2025 йилларга туманидаги “Меҳриёв” кичик корхонаси билан ҳамкорлик борасида келишувга эришдик, — дейди қирғизистонлик тадбиркор Ойсулуп Жўраева. — Ишимиз доривор гиёҳлар етиштириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ, Ярмарка доирасида “Меҳриёв” корхонасининг маҳаллий шaroитда лаванда етиштириш, қайта ишлаш билан боғлиқ амалий иш тажрибалари билан танишдик. Этнотуризм, эко-саҳна, тиббий туризми йўналишларида ҳамкорлик бўйича манфаатли шартномалар имзоланди.

Бу каби савдо ярмаркалари иқтисодий фаоллик ошиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари кўпайиши, тадбиркорлар сони ортишига ҳам хизмат қилади.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ
КАМПАНИЯСИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИХушвақт ҲАЙИТОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови учун сайлов кампанияси жорий йилнинг 10 май кунидан бошланиши белгиланиб, сайловни ўтказиш календарь режаси тасдиқланди. Сайлов кодексига кўра, сайловолди ташвиқоти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охириги куннинг эртасидан бошланади ва овоз беришга бир кун қолганида туғайди.

Шу кунларда Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти авж паллага кирган. Бу палга сайловда номзодларнинг ташвиқот жараёнилари жорий йил 7 июнь куни бошланиб, 8 июлгача давом этади. Сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида бундай ташвиқотга йўл қўйилмайди.

Сайловолди ташвиқотини ўтказиш тартиби 2021 йил 14 апрелда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низоом нормаларига мос ташкил этилишини ҳам қайд этиш ўринлидир.

Сайловолди ташвиқоти — номзодлар ва сиёсий партиялар учун ўзига хос рақобат майдони

Сайловолди ташвиқоти сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни номзодни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият ҳисобланади. Қонунчиликка кўра, номзодлар сайловолди ташвиқотини юритиш борасида тенг ҳуқуқларга эга. Номзод Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайлашни учун унинг номидан ишончли вакиллари сайловолди ташвиқотини ўтказиши мумкин. Сайловолди ташвиқоти доирасидаги тадбирларда номзодларга ўзининг келгусидаги фаолияти дастури билан сўзга чиқиш ҳуқуқи берилади.

Сайловолди ташвиқоти сайлов жараёни катнашчилари учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Президентликка номзодлар ва сиёсий партиялар учун ўзига хос рақобат майдони ҳамдир. Ташвиқотнинг қандай ўтказилиши сиёсий партия электорати сони қўлайиши ёки қамайишига, мавқеининг ошиши ёки тушишига олиб келиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, ЕХХТнинг Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген кенгаши ва бошқа қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда сайловчилар, номзодлар ва сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини юритишга оид ҳуқуқлари кафолатлари назарда тутилган. Ушбу ҳужжатлардаги асосий талаблар миллий сайлов тизимимизга имплементация қилинган.

Қонунчиликка кўра, ташвиқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб юритиш, нотўғри ахборотни, номзодларнинг шайни ва

қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

Президентликка номзодларнинг сайловолди дастури муайян талабларга жавоб бериши шарт. Хусусан, давлат суверенитети, яхлитлиги ва ҳафсизлигига қарши қаратилмаган бўлиши, халқнинг саломатлиги ҳамда маънавиятига таҳдид солмаслиги, уруш, миллий нафрат, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилмаслиги, конституциявий тузумни зўрлик ишлатиб ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини чекловчи ҳаракатларга даъват қилмаслиги керак.

Сайловолди ташвиқотини Президентликка номзодлар номидан уларнинг ишончли вакиллари ҳам ўтказиши мумкин. Сайлов кодексига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафарга қадр ишончли вакилга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради, сайлаш учун ташвиқот олиб боради, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатларини ифодалайди.

Президентликка номзодларга, уларнинг ишончли вакилларига, сиёсий партияларга тенг ҳуқуқли, соғлом рақобатга асосланган сайловолди ташвиқоти юритишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш имконияти халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва стандартларига тўла мос бўлиб, адолат ва тенглик тамойилларидан келиб чиқади. Ушбу тенглик юқорида санаб ўтилган барча сайловолди ташвиқоти турларида бир хил таъминланади.

“ Сайловчилар билан учрашувлар номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари томонидан мустақил равишда ўтказилиб, бу учрашувларни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида округ ёки участка комиссиясига маълум қилинади. Номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашувларни ташкил этиш ва ўтказишда ёрдам кўрсатиш илтимоси билан давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, жамоат бирлашмаларига, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилишга ҳақли.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК
АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

лар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга

Сайловолди ташвиқотини юритиш мақсадига ОАВдан бепул фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сайловда иш-

2023
9-IYUL
O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
PREZIDENTI SAYLOVI

“ ОАВ у ёки бу номзоднинг муваффақият қозониши ёхуд зарур овозлар миқдорини ололмаслигида муҳим роль ўйнайди. Чунки сайловолди учрашувлари ва йиғилишларида юзлаб сайловчилар иштирок этса, ОАВ орқали миллионлаб сайловчиларга маълумот етказиб берилади. Шу сабабли, Президентликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг барчаси сайловолди ташвиқоти юритиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эгаллиги кафолатланган.

Сайловолди ташвиқоти юритиш тартиби

Номзодларга ўзининг келгусидаги фаолияти дастури билан сўзга чиқиш ҳуқуқи берилади. Бу дастурни номзоднинг розилигисиз тахрир қилиш мумкин эмас. Шунингдек, босма ОАВда чоп этиш учун материаллар номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, номзодларни кўрсатган сиёсий партиялар томонидан тақдим этилади. Сайловолди ташвиқоти материаллари уларни тақдим этган шахсларнинг розилигисиз тахрир қилинмайди.


Ташвиқот номзоднинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни номзодни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш, номзод тўғрисида ахборот тарқатиб, уни ёқлаб овоз беришга чақириш шаклида юритилади. Шунингдек, сайловолди ташвиқоти омма олдидида очик мунозаралар, баҳслар, матбуот анжуманлари, фуқароларнинг йиғилишлари, интервьюлар, ОАВларда чиқишлар, роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Сайловолди ташвиқоти ОАВ, телекоммуникация, интернет ахборот тармоқларида, шунингдек, босма, кўргазмалар, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақа-

оширилади. Ташвиқот даврида уни юритишнинг Сайлов кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомада тақиқланмаган бошқа турлари, шакл ва усулларида фойдаланилиши мумкин.

ОАВ у ёки бу номзоднинг муваффақият қозониши ёхуд зарур овозлар миқдорини ололмаслигида муҳим роль ўйнайди. Чунки сайловолди учрашувлари ва йиғилишларида юзлаб сайловчилар иштирок этса, ОАВ орқали миллионлаб сайловчиларга маълумот етказиб берилади. Шу сабабли, Президентликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг барчаси сайловолди ташвиқоти юритиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эгаллиги кафолатланган.

Бу жараёнда Президентликка номзодларга тенг имконият берилишини таъминлаш муҳимдир. Бинобарин, сайловолди ташвиқоти юритилаётганда номзодларга бир хил ҳажмдаги эфир вақти ва чоп этиш майдони бепул тақдим этилиши орқали уларга давлат ОАВдан фойдаланишда тенг имконият берилади. Нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонунчиликка мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.



Босма, кўргазмалар, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларида буюртма берган ва тайёрлаган юридик шахслар номи, жойлашган манзили, адади, чиқарилган санаси ва материалга тегишли бошқа ахборотлар кўрсатилиши шарт.

Сайловолди ташвиқоти материаллари хоналарга, биноларга, иншоотларга ва бошқа объектларга осиб қўйилиши мумкин. Ҳайкалларга, ёдгорликларга, шунингдек, сайлов комиссияси жойлашган биноларга, овоз бериш хоналарига босма сайловолди ташвиқоти материалларини жойлаштириш тақиқланади.

Номзодларнинг автобиографик маълумотлари ва уларнинг сайловолди дастурлари тўғрисидаги ахборот материаллари (плакатлари) сайловолди ташвиқоти материаллари ҳисобланмайди. Шу боис, ушбу маълумотлар сайлов участкалари биносида ҳам мавжуд бўлишига йўл қўйилади.

Электорат билан жонли мулоқотнинг аҳамияти

Сайловолди ташвиқотида сайловчилар билан учрашувлар катта ўрин тутади. Чунки бу тадбирларда номзодлар, бир томондан, бевосита сайловчилар билан мулоқотга киришади, иккинчи томондан эса сайловчилар номзод билан жонли мулоқот асосида қизқирган саволларини бериб, номзод ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Шу боис, номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш борасида тенг имконият берилишини таъминлаш муҳим масаладир. Номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари очик ва ошкора тарзда ўтказилади.

Сайловчилар билан учрашувлар номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари томонидан мустақил равишда ўтказилиб, бу учрашувларни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида округ ёки участка комиссиясига маълум қилинади. Номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашувларни ташкил этиш ва ўтказишда ёрдам кўрсатиш илтимоси билан давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, жамоат бирлашмаларига, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилишга ҳақли.

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

— номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул тақдим этиши;

— зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда номзодларга қўмаклашиши;

— сайловчиларни номзодлар билан учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилиш масаласида номзодларга қўмаклашиши керак.

Номзодларга ва уларнинг ишончли вакилларига сайловолди ташвиқотини сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали юритиш учун тенг шароитлар берилади.

Шу ўринда икки ёки ундан ортиқ номзод ёки уларнинг ишончли вакиллари биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд бошқа номзод томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақлими, деган савол туғилиши мумкин.

Қонунчиликка мувофиқ, номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари бошқа номзодлар ёки уларнинг ишончли вакиллари билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд бошқа номзодлар томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақли. Фикримизча, битта йиғилишда икки ва ундан ортиқ номзоднинг иштирок этиши сайловчиларда уларнинг дастурларини ва ўзларини бевосита солиштириш орқали муайян фикрга келиш имконини беради.

Сайловолди ташвиқотини юритиш борасидаги сайлов қонунчилигининг ўзига хос жиҳати шундаки, номзодларга ва сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини юритиш учун давлат бюджетидан маблағ ажратилади. Уларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шароитлар яратилади. Айрим мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Польша ва бошқа давлатларда сайловолди ташвиқоти юритиш учун давлат маблағлари ажратилиши кўзда тутилмаган. Греция, Исроил ва Францияда эса оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда эфир вақти сиёсий партияларнинг парламентда тутган ўрни ва ижтимоий фаоллигига қараб ажратилади.

Италия, Франция, Россия ва бошқа давлатларда сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди. Францияда овоз бериш кунига 7 кун қолганида, Венгрияда 8 кун қолганида жамоат фикри сўровлари натижалари, сайлов натижалари прогнозлари ва ўтказиладиган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотлар нашр этилмайди.

Мамлакатимизда сайловолди ташвиқоти жараёнида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби қонунчиликда аниқ белгиланган бўлиши мумкин. Ўшбу сайловолди ташвиқотини юритишда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилади. Ушбу ҳуқуқий кафолатлар, номзодлар ва сиёсий партияларга ўз дастурларини тарқатиш орқали таништиришда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилади. Ушбу ҳуқуқий кафолатлар, номзодлар ва сиёсий партияларга ўз дастурларини тарқатиш орқали таништиришда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилади. Ушбу ҳуқуқий кафолатлар, номзодлар ва сиёсий партияларга ўз дастурларини тарқатиш орқали таништиришда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилади. Ушбу ҳуқуқий кафолатлар, номзодлар ва сиёсий партияларга ўз дастурларини тарқатиш орқали таништиришда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, сайловолди ташвиқоти сайлов жараёнининг муҳим қисми бўлиб, унда Президентликка номзодлар учун бир хил шарт-шароит таъминланади. Жумладан, номзодларга ва сиёсий партияларга сайловолди дастурларининг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, сайловчилар билан бевосита учрашувлар ўтказиш орқали таништиришда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилади. Ушбу ҳуқуқий кафолатлар, номзодлар ва сиёсий партияларга ўз дастурларини тарқатиш орқали таништиришда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилади. Ушбу ҳуқуқий кафолатлар, номзодлар ва сиёсий партияларга ўз дастурларини тарқатиш орқали таништиришда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилади. Ушбу ҳуқуқий кафолатлар, номзодлар ва сиёсий партияларга ўз дастурларини тарқатиш орқали таништиришда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилади.

“ Қонунчиликка мувофиқ, номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари бошқа номзодлар ёки уларнинг ишончли вакиллари билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд бошқа номзодлар томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақли. Фикримизча, битта йиғилишда икки ва ундан ортиқ номзоднинг иштирок этиши сайловчиларда уларнинг дастурларини ва ўзларини бевосита солиштириш орқали муайян фикрга келиш имконини беради.



Бошланиши 1-бетда

Хозирги лойихага ҳамоҳанг тарзда Нукус шаҳригача бўлган темир йўлни ҳам электрлаштириш режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида Тошкент билан Нукус ўртасидаги қатнов вақти 16 соатдан 7 соатгача қисқаради. Ушбу линия ишга туширилгач, "Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Хива" аънавий туристик занжирига Қорақалпоғистон ҳам қўшилади. Хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг юртимизда 4-5 кунгача бўлишини таъминлаш, туристик хизматлар экспортини 100 миллион долларга етказиш имконияти яратилади.

Аслида, темир йўлни электрлаштириш борасида Ўзбекистонда катта тажриба тўпланган. Аввало, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган темир йўли қурилиб, кейинроқ электрлаштирилди. 2011 йилда Тошкент — Самарқанд йўналишида Марказий Осиёда дастлабки юқори тезликдаги "Афросиёб" электропоездлари ҳаракати йўлга қўйилган бўлса, кейинчалик Қарши, Бухоро ва Шаҳрисабз шаҳарларига ҳам қатновлар амалга оширила бошланди. Мароқанд — Қарши, ундан Деҳқонобод ва Термизгача бўлган йўналишларда ҳам электрлаштиришга доир лойиҳалар амалга оширилди.

Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ишга тушиши билан Фарғона водийси вилоятларини мамлакатимизнинг қолган ҳудудлари билан боғлаб, юртимизда ягона миллий тизимни яратиш борасидаги режаларни тўлиқ амалга оширишга замин яратилди. 2020 йилдан бошлаб эса электровозда Намангандан чиқиб, 5 соату 20 дақиқада Андижон, Марғилон, Қўқонни айланиб, яна Наманганга қайтиб келиш мумкин бўлди.

Энди навбат Урганч ва Хива шаҳарларига етиб келди. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши келгусида Тошкент — Самарқанд — Навоий — Бухоро — Урганч — Хива йўналишида

Жараён

Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ишга тушиши билан Фарғона водийси вилоятларини мамлакатимизнинг қолган ҳудудлари билан боғлаб, юртимизда ягона миллий тизимни яратиш борасидаги режаларни тўлиқ амалга оширишга замин яратилди. 2020 йилдан бошлаб эса электровозда Намангандан чиқиб, 5 соату 20 дақиқада Андижон, Марғилон, Қўқонни айланиб, яна Наманганга қайтиб келиш мумкин бўлди.



БУНЁДКОРЛИК МАНЗИЛЛАРИ



yuz.uz_news

Бухоро ва Хоразм вилояти ҳокимликлари томонидан теъзорар поезд ўтадиган туман ва шаҳарларда йўлбўйи хизматлар ташкил этиш белгиланган. Темир йўл борган жойга маданият бориши, ҳаёт жонланиши инobatга олиниб, бекатлар атрофида худди автомобиль йўлларида бўлганидек, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини қўпайтириш керак бўлади. Яна бир вазифа — темир йўл бўйлаб чўл иқлимига мос дарахт ва буталар экиш зарур. Бу ҳам худуд экологиясига ижобий таъсир кўрсатади, ҳам йўл бўйларига кўрк бағишлайди.

Ўтган ҳафта охирида темирйўлчи қурувчилар Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Назарбек шаҳарчаси ҳудудидан ўтган темир йўл ва автомобиль йўллари кесишмасида барпо этилган замонавий йўл ўтказигини фойдаланишга топширди. Шаҳарчада ва Зангиота туманида яшовчи аҳоли Тошкент шаҳрига, асосан, 4P253 автомобиль йўли орқали бориб келади. Транспорт сони ортishi, айниқса, ушбу ҳудуддан ўтувчи темир йўлдан поездларнинг кундалик ҳаракати, тепловозларнинг манёврлари туфайли автомобиль йўли муайян муддатга ёпиб қўйиларди. Бундай ҳолатларнинг эрталаб ва кечқурунга тўғри келиши эса катта тирбандлик пайдо бўлишига олиб келарди.

Аҳолининг айни борадаги мурожаатлари инobatга олиниб, 2020 йил 28 декабрда Президентнинг "2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги фармойишига асосан, "4P253 "Тошкент шаҳри — Туркистон ш/х — Қозоғистон Республикаси чегараси" автомобиль йўлининг 3 километрдаги темир йўл устидан йўл ўтказиги қуриш" лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур лойиҳа анча мураккаб ечимга эга. Ёнг аввало, темир йўл ва автомобиль йўли кесишмасида умумий узунлиги 398 метр, кенглиги 22 метр, кўприк ости баландлиги 7 метр бўлган тоннель шаклидаги йўл ўтказиги, унинг устидан эса узунлиги 21,8 метр, кенглиги 18,5 метрли уч изли темир йўл кўпригини қуриш, улар кесишмасида яна узунлиги 28 метр, эни 12,5 метрли автомобиль йўли ўтказигини барпо этиш режалаштирилган эди. Бунинг учун иншоотга туташ бўлган 23 та уй-жой, тадбиркорлик субъектини кўчириш зарур бўлди.

Мана, энди иншоотни қуриш даврида маҳаллий аҳолининг айланма йўллар орқали юришига тўғри келиб, вақт ва маблағ йўқотишларига сабаб бўлган қийинчиликлар ортда қолди. 113 миллиард сўм эвазига қурилган, умумий узунлиги 940 метрни ташкил этган мазкур иншоот халқимиз хизматида топширилди. Ҳисоб-китобларга қараганда, ундан бир кеча-кундузда ўртача 30 минг атрофида автотранспорт воситаси ва 24 минг пиёда ўтиб қайтади.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
журналист,

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири



ТАБИАТ ВА ИНСОН



Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Евроосиё материгининг марказий қисмида, денгиз ва океанлардан узоқда жойлашган. Мамлакатимизнинг 80 фоизи чўл ва ярим чўллардан иборат бўлиб, ҳозирги вақтда қарийб 10 миллион гектар яйлов тубдан яхшилашга муҳтож бўлса, кўча кўм қарийб 1 миллион гектар майдонни эгаллайди ва унинг икки юз минг гектари сўнгги вақтда сўғориладиган ерлар атрофида пайдо бўлган. Кейинги даврда Орол денгизи сувининг қуриши туфайли яна қўшимча 3 миллион гектардан ортиқ майдонда Оролқўм чўли пайдо бўлди. Натижада ушбу минтақада экологик муҳит ёмонлашиб, чўлланиш жараёни янада кучайди ва кўплаб ижтимоий муаммоларни юзага келтирди.

Мутахассислар фикрича, айни кезде технологик жиҳатдан Оролни аввалги ҳолатига қайтаришнинг иложи йўқ. Бундай шароитда ягона йўл борини асраб қолиш, фожиа таъсирини камайтириш, одамлар ҳаётини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Ўзбекистон ана шу йўналишлардаги мақсад-вазифалар бўйича муҳим тақлифларни БМТ Бош Ассамблеяси сессияларида, халқаро саммитларда илгари сўриб келади. Шу билан бирга, юртимиз имкониятларига таяниб, амалий ишлар олиб боришмоқда. Бунда асосий эътибор Орол денгизининг қуриган тубидан миллионлаб тонна чанг ва захарли туз кўтарилишининг олдини олиш учун шўрга чидамли ўсимликлар екишга қаратилган. Хусусан, 2018-2022 йиллар давомида денгизнинг суви қуриган тубида 1 миллион 600 минг гектардан ортиқ



теъзорар ҳамда юқори тезликда ҳаракатланувчи экологик хавфсиз электропоездлар қатновини йўлга қўйиш имконини беради. Лойиҳанинг қиймати 365 миллион доллар.

— Электрлаштирилаётган Бухоро — Мискин — Урганч — Хива темир йўл участкасининг умумий узунлиги 465,5 километрни ташкил этади, — дейди "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи ўринбосари Жамшид Расулов. — Лойиҳада режалаштирилаётган ишларга кўра, тақди электр тармоғи, электр тортиш нимстанцияси ва электр туташтирувчи тармоқнинг 8 та навбатчилик биноси, йўл соловчилар учун табелъ бинолари, қўриқланадиган 44 та темир йўл кесишмаси, 1 та автойўлўтказиги

ҳамда локомотив жамоаси учун 1 та дам олиш уйи қурилади. Шунингдек, вагонларга техник хизмат кўрсатадиган 2 та пункт ва қисмларга ажратиш ҳамда жорий таъмирлаш саноат корхонасини реконструкция қилиш, 5 та техник хизмат кўрсатиш биноси ва бошқа техник хизмат иншоотларини барпо қилиш кўзда тутилган. Участка бўйлаб контакт тармоғининг жами 12 мингдан ортиқ пойдевори ва 10 мингдан кўпроқ темир-бетон таянч устун ўрнатиш ҳамда контакт тармоғини монтаж қилиш, мазкур тармоққа хизмат кўрсатиш учун эса махсус техника ва химоя воситалари харид қилиниши белгиланган.

Мазкур лойиҳа доирасида электрлаштириш ишлари бир вақтнинг ўзига Бухоро ва Хоразм вилоятлари — икки

томондан бир-бирига қараб амалга оширилмоқда. Айни пайтда разъездлар ва станцияларда, яъни Бухоро-1 ва Навбахор станциясида ҳамда Парвоз, Кийикли, Жайхун, Турон разъездларида электр туташтирувчи тармоқнинг навбатчилик пункти бино ва иншоотларида қурилиш-монтаж ишлари олиб боришмоқда.

Йўналишининг контакт тармоғида ҳам самарали ишлар бажарилди. Хусусан, Бухоро-1 — Кийикли станциялари оралиғида "1-энергомонтаж поезди" унитар корхонаси томонидан лойиҳада белгиланган 4 минг 300 пойдевордан 3 минг 575 таси (83 фоиз), 840 донанг анкердан 638 таси (75 фоиз) ўрнатилди. Хизирбобо станцияси ҳамда Жайхун разъезди

оралиғида ҳам худди шундай ишлар бошлаб юборилди. Жайхун разъезди ва Хива станциялари оралиғидаги юмушларнинг қарийб тўртдан уч қисми бажарилди.

Темирйўлчи мутахассислар томонидан шу кўнча Бухоро вилояти ҳудудидан 163,1 километр, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларидан 128,38 километр, жами 291,48 километр (63 фоиз) контакт тармоғи пойдеворлари ва таянч устунлари тўлиқ ўрнатилди. Эътиборлиси, электрлаштириш ишлари учун зарур бўлган асосий маҳсулотлардан пойдевор ва таянч бетон ўзимизда, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилиб, участка ҳудудларига ўз вақтида етказиб берилмоқда.

ЯШИЛЛИККА БҮРКАНСИН ОЛАМ

Ҳожимурод ТОЛИПОВ,
Ўрмон хўжалиги агентлиги
бош мутахассиси,
биология фанлари номзоди



Оролбўйидаги "яшил қоплама"-ларнинг аксариятини саксовулзорлар ташкил этапти. Саксовулнинг ҳаво мусаффолигини таъминлашда ҳам хизмати жуда катта. Бир гектар майдондаги тўрт йиллик саксовулзор 1 минг 158 метр куб кислород ажратиб чиқаради. Бу бамисоли соф ҳаво "фабрикаси" дегани.



Шу боис, чўлланишнинг олдини олишда саксовулзорни кўпайтиришнинг аҳамияти катта. Барпо этилган 2 ёшли саксовулзорда шамол таъсирида кўм қўчиши 20 фоиз, 5 ёшлида 80 фоиз, 7 ёшли саксовулзорда эса тўлиқ тўхтатилади. Натижада иқлим мўтадиллашади, аҳолининг яшаши учун ижтимоий-иқтисодий муҳит барқарорлиги таъминланади.

Оролбўйида саксовуллар орасига ёввойи ҳайвонлар ва чорва учун озуқабоп экинлар ҳам екилмоқда. Ушбу ҳудудда ўнлаб артезиан қудуқлари қазилди. Улардан сув чиқарилиши натижасида жойларда сунъий қўллар пайдо бўлди, улар атрофида қамишзорлар вуқудга келди, дарахт ва буталар уса бошлади. Қўмликларда барпо этилган саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан иборат майдонлар билан уйғунлашиб, чўл экотизимлари тикланыпти, ёввойи ҳайвонлар ва қўшларни ўзига жалб этишга, шу ерда яшашга, ин қуришга ва кўпайишга шaroит яратяпти.

2018 йилнинг 27 ноябрь куни БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги қароргоҳида нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамияти учун ҳам тарихий воқеа юз бериб, БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст фонди ташкил этилди. Мазкур фонд Оролбўйидаги аҳоли турмуш фаолияти билан боғлиқ бўлган тиббий, иқтисодий ривожланиш, экологик, ижтимоий химоя ва бошқа соҳалардаги муаммоларни ҳал қилишда мувофиқлаштирилган ёндашуви, Ўзбекистон ҳукумати, БМТ агентликлари, донорлик ҳамжамиятлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш орқали минтақа ривожига биргаликдаги ёрдамни таъминлаш, унинг ривожини кўришга ҳамда молиявий ресурсларни сафарбар қилиш каби ишларни амалга ошириб келмоқда.

Шу йилнинг бошига қадар жамғарма стратегияси доирасида Оролбўйи мин-



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

тақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ, турли лойиҳаларни молиялаштириш учун 244 миллион долларга яқин маблағ жалб қилинган. Шу билан бирга, жамғарма томонидан 5 та қўшма дастур молиялаштирилди.

Яна бир муҳим жиҳат: 2021 йил 18 майда БМТ томонидан қабул қилинган махсус резолюцияга кўра, Оролбўйи минтақаси экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди ҳисобланади. Мамлакатимизда мазкур ҳужжат ижросини таъминлашга қаратилган "Йўл харитаси" белгиланган. Унинг доирасида бугунги кунда 312 миллиард сўм, 22,2 миллион доллар ва 6 миллион евро ажратилган 71 та тадбир, шунингдек, қиймати 1,9 триллион сўмлик 65 та устувор инновацион лойиҳа амалга оширилмоқда. Айни кезде бу борада 230 та лойиҳавий тақлиф мавжуд, уларнинг умумий қиймати 210 миллион долларни ташкил этади.

Тарақиёт стратегиясида ҳам Орол денгизи тубида қўшимча 500 минг гектар яшил майдон барпо этиб, унинг умумий ҳажмини 2,5 миллион гектарга етказиш вазифаси қўйилган. Бу вазифа ижроси таъминланиши Оролбўйи ҳудудида ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошланган экологик фожиа таъсирини камайтириш, одамлар ҳаётини яхши-

лаш ва уларнинг орзу-ниятлари амалга ошишига хизмат қилади.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО), Глобал экологик жамғарма қўмағида "Ўзбекистоннинг тоғли ва водий ҳудудларида ўрмонларни барқарор бошқариш" лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Сирдарё, Қашқадарё ва Наманган вилоятларидаги сувсиз ерларда ўрмонзорлар ташкил этилди. Бундан ташқари, чўлланиш ва ер деградациясининг олдини олиш, шунингдек, иқлим ўзгариши оқибатларига тайёргарлиқни ошириш орқали ландшафтлар мустаҳкамлигини оширишда Жаҳон банки томонидан 142 миллион доллар миқдорида имтиёзли кредит ажратиш назарда тутилган бўлиб, бу ҳам яшил майдонларни кенгайтиришга йўл очди.

Мамлакатимизда "Яшил макон" умумиллий лойиҳасини амалга оширишга катта эътибор қаратилляпти. Унинг доирасида ҳар йили 200 миллион тул дарахт ва бутта кўчати экиш режалаштирилган, шаҳар ва аҳоли яшаш ҳудудларимиздаги кўкаламзорлаштирилган майдонларни хозирги 8 фоиздан 2030 йилда 30 фоизга етказиш мақсад қилинган. Кўкаламзорлаштириш тадбирлари, кўчатлар экиш ишлари тизимли йўлга қўйилгани аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилапти.

XX асрнинг иккинчи ярмида юртимизда ўз соҳасида илмий мактаб яратган, жаҳон илм-фан оламида эътироф этилган алломаларимизни хануз фахр билан эслаймиз. Бу мавзуда сўз юритганда, албатта, математик олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Саъди Сирожиiddиновни эслаб ўтмай иложи йўқ. Зотан, юксак илмий салоҳиятли олим фақат буюк математик бўлгани учунгина эмас, юртимиз илм-фан соҳасини юксалтириш, халқимиз, миллатимиз вакилларида малакали ва етук кадрлар тайёрлашдаги фидойилиги учун ҳам катта ҳурмат-эътибор қозонган. У олий таълимдаги педагогик фаолияти давомида миллий кадрлар шаъни ва қаддини кўтариш учун ҳам курашиб, катта ўзгаришларни амалга ошира билди.

Эсимда, 1965 йили 3-курсда ўқиб юрган кезимиз курсдошим Риксивой Юсупов физика факультетининг оптика кафедрасига ярим ставкада лаборант бўлиб ишга жойлашганини хурсанд бўлиб айтар экан: “Биласизми, Мансур, ушбу кафедрада менгача бирортаям ўзбек бўлмаган. Барча домлалар русийзабон, кафедра мудири эса Ноценко деган доцент экан”, деди. Шундан сўнг факультетимиздаги бошқа кафедралар мудирлари кимлиги ҳақида фикрлаша бошладик. Радиофизикада — Любенцов, умумий физикада — Андреев, электроникада — фан номзоди, профессор Шүппе, яримўтказгичлар физикасида — профессор Гедеев Авакянц, астрофизикада — академик Шеглов, яна қачингисидар Ревзин, ядро физикада яна кимдир... Гапнинг қисқаси, бирор-бир кафедра мудири ўша пайтда ўзбек туғул, қозоқ ёки татар ҳам эмас. Факультетимиз декани эса Б.Смирнов эди.

1966 йили 4-курсни тугаллаётган кезларимиз ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)га академик Саъди Сирожиiddинов ректор этиб тайинланди. Домла келиши билан кетма-кет янгиликларга қўл ура бошлади. Жумладан, университет ходимлари учун уй ажратилишига эришди. Ўша паллада ўз уйларида нисбатан яхшироқ квартира олишга электроника кафедраси мудири Шүппе ҳамда яримўтказгичлар кафедраси мудири Гедеев Авакянц даъвогарлик қилган. Бироқ Саъди ака бунга унамайди. Натижада улар биздек олимга ён босмадинг, дея ректорга аёчиқ қилиб, иккиси ҳам олдинма-кетин Ўзбекистондан кетиб қолади. Кейинчалик ҳамюртларимиздан бири Ереванда борганида Авакянц Тошкентда ўтган йилларини эслаб, ўқиниб йиғлаган экан. Шүппе эса Рязань шаҳрига кетган, бироқ у ерда ҳам эл бўлмайди...

Икки олим кетган, ортидан шогирдуз дошларни ҳам бошқа юртларга жўнайди. Натижада кафедраларни бошқаришга тегишли соҳаларда фан номзоди даражасига эга мутахассис топилай қолди. У пайтлари назарий физика билан шуғулланувчи олимларнинг алоҳида кафедра-

си бўлмай, яримўтказгичлар кафедраси штатида дарс бериб юрарди. Шунда Саъди Сирожиiddинов бўшаб қолган кафедра мудири ўрнини тўлдирish учун миллий кадр қидира бошлайди. Бу орада кафедра ёпилиши эҳтимоли пайдо бўлади. У даврларда кафедра ёпилса, қайта очиш учун Москвадан рухсат олиш керак бўлар, бунинг учун эса бир неча йил кетиши турган гап эди.

Кафедрани сақлаб қолиш мақсадида Нукус давлат университетидан илтимос қилиб, доцент Емберген Жақсимов бир йилга олиб келинади. У яримўтказгичлар кафедрасига мудири қилиб тайинланган. Шу йўл билан кафедра сақлаб қолинади.

Ректорат кафедра мудирлигига номзод Алишер Тешабоевнинг фан номзоди диссертациясини ёқлашини тезлаштиради. Ниҳоят ёш олим фан номзоди дипломини қўлига олгач, кафедра мудири этиб тайинланади.

Янги ўқув йилидан Низомий номидаги педагогика институти (ҳозирги университет) доценти Раҳматулла Маллин физика факультетида декан лавозимида иш бошлади. Сило, салобатли бу инсонни 5-курсда диплом ишини ёқлаётганимизда биринчи марта кўргандим. У ўз пайтида Сталин катогонига учраган ўзбек олимларидан эди. Чамамда, Маллин унинг таҳаллусли бўлгани билан кўпчилиكنинг назарига тушган.


Ушанда умумий физика кафедрасига ассистент қилиб ишга олингандим. Деканатда Раҳматулла Маллин олиб борган йиғинларда ҳам бир неча марта иштирок этганман. Ушанда ҳам ўзларини “катта ога” деб ҳисоблайдиган айрим олимлар турли бахона билан Маллиндан айб қидириб, унинг факультетдаги фаолиятидан норози эканлигини айтарди. Раҳматулла Маллин сузига чечан, оқил, рус тилида бийрон гапира олиши сабабли эътироз билдирувчиларнинг популмини пасайтириб қўярди. Ҳолбуки, у бирор марта ҳам ҳеч кимга нўписи қилмаган. Аксинча, опонентларини фикири хато бўлса, бўли қатор мисол-

лар билан исботлаб бериш орқали адолат қарор топишига эришарди.


1969 йилга келиб, электроника кафедрасини Адҳам Одилов, радиофизикани — Ҳожимўхамедов, умумий физикани — Гийс Умаров, яримўтказгичлар кафедрасини — Алишер Тешабоев, назарий физикани Раҳматулла Маллин бошқара бошлади. Қисқаси, Саъди Ҳасановичнинг ректорлик даврида физика факультетидаги барча кафедралар мудирлигини ўзбек педагоглари бошқара бошлади. Яримўтказгичлар кафедраси иккига ажралиб, бири яримўтказгичлар, иккинчиси назарий физика кафедраси бўлди. Назарий физика кафедрасини Р.Маллин бошқара бошлади. Ректор юкори даражадаги илмий ишлари, педагогик фаолияти учун олимга профессор илмий уновни берилишига эришди. Булар жуда ҳам катта ижобий ўзгаришлар эди. Вақти келиб, Алишер Тешабоевга ҳам профессор илмий уновни берилди. Ўз навбатида, профессор ҳам кафедранинг бир неча етук ёш мутахассисларини ўша даврдаги илмий марказларга аспирантурага ўқишга юбора бошлади. Бундай ҳолатлар университетнинг барча факультетларида ҳам кузатилганига мутлақо шубҳам йўқ. Умуман, бу ижобий ўзгаришларнинг барчасига ректор бош эди.

Ўша йиллари университетга республика раҳбари Шароф Рашидов ҳам тез-тез боргани ва ректор Саъди Сирожиiddиновнинг ушбу ижобий ўзгаришларига юкори баҳо берганини эшитганман.

Аввалига курсдошларим Муҳаммад-бир Баҳодирхонов ҳамда Қаҳҳор Абдурахмонов Ленинграддаги Яримўтказгичлар физикаси институтига жўнатилди. Улардан бир оз кейин қозоқ йигити Серек Кумек Ленинград физика-техника институтига юборилди. Серек фан доктори бўлгач,



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Қозғоғистонга кўчиб кетди ҳамда Фанлар академияси академиги бўлди. Ўша пайтда ундан аввалроқ жўнатилган қозоқ йигити Худайберди Абдувоҳидов илмий иш олиб бораётган эди. Илаланиш қилиши учун унга барча шароит яратилди.

1969 йилнинг қизида мен билан аёлимни ҳам Ленинградга юборишди. Ҳозир шулар ҳақида уйласам, миллий кадрларни тайёрлаш учун ўша йиллардаги университет раҳбарияти нақадар ватанпарварлик, фидойилик қилганига, миллатимиз келажаги учун ёниб яшаганига тан бераман. Яшаш учун жойлашиб олган кезларимиз яримўтказгичлар кафедрасининг Тошкентдан диплом ҳимоясига чиққан ўндан ортиқ талабаси Ленинградга келди ҳамда биз турган ётоқхонадан жой олди. Кўп ўтмай,

илмий ишимиз қандай бораётганидан хабар олгани Алишер Тешабоев келиб кетди. Шундай хабар олишлар тез-тез бўлиб турар ва домла бизга доим: “Сиз бу ерга диплом иши ёзиш учунгина келмагансиз, балки кейинчалик фан номзоди диссертациясини ёқлашга йўл очиш, ўзларингизга илмий раҳбар топиш учун келгансиз. Аспирантурага келганлар фақат фан номзоди бўлиш эмас, кейинчалик фан доктори бўлиш учун ҳам пойдевор қўявериши керак. Сира бўшашманлар, бир кунни ҳам бекор ўтказманлар”, дея панд-насихат қиларди. Домланинг ўғитлари бекор кетмади. А.Ф.Иоффе номли Физика-техника институтида юртдош олимларимиз фан докторлари, профессорлар, академиклар бўлди. Қўллаб фан номзодлари шу даргоҳда етишди. Шунингдек, Ўзбекистондан келган юздан ортиқ талаба ҳам ушбу институтда диплом ишини муваффақиятли ёқлаган. Бундай жараён ўша даврнинг энг етук илмий марказлари билан ҳамкорликда олиб борилди. Бу саъй-ҳаракатлар ортида ҳам Саъди Сирожиiddинов турарди.

Умуман, 1966 йилдан 1982 йилгача бўлган даврни халқимизнинг миллий тикланиш, қаддини кўтаришга қучли иштироки, кураш даври бўлган, дегим келади. Халқимизнинг ушбу миллий тикланиш даврида, айниқса, амалини ҳам, жонини ҳам йўқотишдан қўрқмай, жонбозлик қилган — Ҳабиб Абдуллаев, Саъди Сирожиiddинов, Содик Азимов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Пулат Ҳабибуллаев, Восил Қобулов, Ҳамид Сулаймон, Иброҳим Муминов, Тошмуҳаммад Ўрозбоев, Раҳматулла Маллин, Алишер Тешабоев каби

фидойи олимларимизнинг хизмати катта. Уларнинг сафи жуда кенг эди. Шунинг учун ўша паллани бир оғиз жумла билан “Ўзбек зиёлиларининг уйғониш даври”, дея атаган бўлардим. Башарти, ўша уйғониш бўлмаганида, давлатимиз мустақилликка эришганидан кейин олимлар етишмовчилигидан қўп азият чекиши турган гап эди.

Саъди Сирожиiddиновнинг илмий ишлари кўп, улар, асосан, ўзгарувчилик классик кўпхадларнинг муҳим хоссаларига бағишланган. Олимнинг баъзи йўналишдаги тадқиқотлари 1950-йилларда Тошкент математика мактабининг янада юксалишига олиб келди. У эҳтимоллар назарияси соҳасидаги ютуқларни математик статистикада қўллади.

Утган асрнинг 60-йилларида Саъди Сирожиiddинов ва шогирдлари ўзаро боглиқ бўлмаган ҳамда Марков занжирини ташкил қилувчи тасодифий миқдорлар ва тасодифий векторлар йиғиндиси учун лимит теоремаларга доир муҳим масалаларни ҳал қилди. Шу масалалар билан боглиқ текис баҳолашларга оид тадқиқотлари катта табиқий аҳамиятга эга. Олим оммавий хизмат кўрсатиш назарияси, статистиканинг турли соҳалари, стационар жараёнлар назарияси ва бошқа соҳаларда ҳам кенг қўламда тадқиқот олиб борган.

Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий меросини ўрганишда, минтақа, хусусан, мамлакатимиз учун юкори малакали математик мутахассислар тайёрлашда академикнинг хизмати катта. Шунингдек, ёш математиклар мактабини ташкил этиш ҳамда шу йўналишда олимпадарлар ўтказишга муайян ҳисса қўшган. Соҳадаги юксак зиммаларни эътироф этилиб, 1966 йили Бернулли номидаги халқаро математик статистика ва эҳтимоллар назарияси жамияти (Нидерландия)нинг ҳақиқий аъзоси этиб сайланган.

Домланинг халқимиз келажаги йўлида қилган хизматлари улкан. У миллатимизга, илм-фанга жонқуяр инсон сифатида бетиним ишлаган, курашган. Саъди Сирожиiddинов докторлик диссертациясини ёқлагандан сўнг остозининг тавсияси билан 1953-1956 йилларда М.Ломоносов номида Москва давлат университетининг механика-математика факультети профессори бўлган.

Домла буюк бўлиш билан бирга, жуда ҳам одим, камтар инсон бўлгани хусусида халқ орасида турли гап-сўзлар юради. Айтишларича, бир кун Саъди Ҳасанович поездда Тошкентдан Москвага жўнайди. Ўттиз ёшдаги профессорга тўрт кишилик купенинг пастки қаватидан жой берилган эди. Иттифоқо, ўша кулуга барваста, галстук таққан, башанг кийинган олифта ўзбек йигити қиради-да: “Қани, йигитча, катталарни ҳурмат қилмайсанми? Дарров тепага чиқиб, менга жойини бўшат-чи”, дейди. Саъди ака ҳеч эътиросиз, тепадаги ўринга жойлашиб олади. Москвага етиб боришгач, ҳалиги олифта: “Қани, хайрлашиш олдидан танишиб олайлик: мен, Фалончи Фалончиев, МГУ (Москва давлат университети) аспиранти”, дея Саъди ака томон қўлини узатади. Шунда домла ҳам шеригининг қўлини сикатириб: “Танишганимдан хурсандман, мен, МГУ профессори Саъди Ҳасанович Сирожиiddиновман”, дейди. Шунда ҳалиги аспирант хангу манг бўлиб қолади. Чўнки у Москва давлат университети профессори Сирожиiddинов ҳақида эшитган, лекин ўзини бирор марта кўрмаган экан...

Мансурхон ТОИРОВ,
физика-математика
фанлари доктори,
профессор

БОҚИЙ МЕРОС



Отабек МУҲАММАДИЕВ,
Имом Бухорий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
директори ўринбосари

Тарихдан маълумки, буюк муҳаддисларимизга таъна қилувчи, ҳадис ва суннатга нисбатан оммада шубҳа уйғотувчи тоифалар турли даврда турли номлар билан ўз имзоларини қўйишга иштиёқманд бўлган. Уларнинг аксарияти, асосан, Имом Бухорий ва “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарига нисбатан ғаразли ҳаракатда бўлгани ва бутунги кунда ҳам мазкур иллат дунёнинг турли бурчакларида кўриниш бераётгани ҳеч кимга сир эмас.

Гап шундаки, халқ орасида “Саҳиҳи Бухорий” номи билан танилган “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари баъзида танқидлар нишонига айланган. “Саҳиҳ”га саҳиҳ қарашларнинг айримлари хориждан бошлана толиб, ҳомийлари қўлидан еган нон-тузини оқлашга уринаётган баъзи бир имони заифлар тилидан айтिलाётган бўлса, яна айримлари орамизда туриб,



уларнинг фикрига қўшилаётган кимсалар тилидан янграмоқда. Мақсад нима? Мақсад мусулмонларда “Саҳиҳи Бухорий”га нисбатан ишончсизлик уйғотишдир.

Биз Имом Бухорий ва унинг асарини танқид остига олувчилар исломга ўз таъмоиллари (бузғунчи!) асосида қараётганини уқтирган ҳолда курсатилаётган вақлардан бирини ўрганиб чиқишга, ҳақиқат аслида қандай эканини курсатиб беришга ҳаракат қиламиз.

Аввало, бу даъво, яъни ҳадислар орасида аёл шаънини камситадиганлари

ҳам борлиги даъвоси санад ёки лафздаги айрим тафовутлар билан тақдорланиб келган бир неча ҳадисга асосланган. Масалан, “Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам: “Эй аёллар жамоаси! Садақа қилинган, чўнки мен дўзах аҳлининг кўпчилиги сизлар эканлигини кўрдим”, дедилар. Шунда аёллар: “Эй Аллоҳнинг Расули, нимага шундай?” дейишди. У зот алайҳиссалом: “Лаънатни қўп ишлатасизлар, эрларингизга ношўқрлик қиласизлар”, дедилар” ҳадиси шулар жумласидандир.

“Саҳиҳи Бухорий”да аёлларнинг шаъни ва ишларига тегишли юзлаб ҳадислар келган. Шулардан бири “Бир аёл мушук сабабли дузахда азовбланда. У мушукни қамаб қўйган эди. Шу сабабли жаҳаннамга кирди. Қамаб қўйганига яраша таом ҳам, ичимлик ҳам бермади ёки ер юзида ризқини топиб ейишга ҳам қўймади” ҳадисидир. Ақл соҳиби борки, шу ишни эркак киши қилган тақдирда ҳам оқибати айнан ўша аёлникидек бўлишига шубҳа қилмайди. Демак, бу “Саҳиҳи Бухорий”даги ҳадисларда аёллар шаъни камситилган, деб даъво қилишга сабаб бўла олмайдми. Шунингдек, бу каби ҳадисларнинг аксарияти шаръий ҳўкмини баён қилиш ёки панд-насихат бериш, тўғри йўлга йўналиш маъносидда келгани, уларда мақтов ҳам, таъна қилиш ҳам йўқ.

Имом Бухорий бошқа саҳиҳ тўпламлардаги аёллар ҳақида гап кетган ҳадисларнинг айримларини саҳиҳга чиқармаган.

Мутафаккир бобомиз ўзининг “Саҳиҳ”ида Пайгамбар соллalloху алайҳи васаллам билан замондош бўлган, у зотнинг даъватларида таъсирланган аёлларни намуна сифатида тилга олиб ўтган. Ўша давр аёлларига Пайгамбар алайҳиссаломнинг муносабати қандай бўлганини ёритиб берувчи ҳадислардан айримларини келтириб ўтаймиз.

Ойша розияллоху анҳо газотларнинг бириди Пайгамбар алайҳиссалом ёнларида эди. У синглиси Асманинг мунчоғини ҳам ўзи билан олиб юрганди. Ойша розияллоху анҳо ўша мунчоғни йўқотиб қўйди. Шунда Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам, у зотга қўшилиб одамлар ҳам мунчоғни излашга тушишди. Ҳатто баъзилар Абу Бакр розияллоху анҳунинг олдида бориб: “Ойша нима иш қилганини кўрмайсизми? Расулulloх ва одамларни сувсиз қолдирди”, дедилар. Шунда у Ойша розияллоху анҳонинг олдида бориб, қизини койиди ва қўли билан унинг бикинига оғритадиган қилиб никтай бошлади. Пайгамбар алайҳиссаломнинг бошлари Ойша розияллоху анҳонинг тиззалари устида бўлгани учун ўрнидан туриб кета олмади. Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам ўринларидан турдилар. Тонг ёришиб қолган, аммо сув йўқ эди. Шунда таяммуум қилиш ҳақидаги оят нозил бўлди. Усайд ибн Ҳузайр Ойша розияллоху анҳонга: “Аллоҳ Сизни муносиб тақдирласин. Аллоҳга қасамки, сизга сизни хафа қиладиган бирор ташвиш тушса, албатта, Аллоҳ ўша ишни

мусулмонлар учун яхшилик қилиб қўяди”, деди.

Бу ҳадисдан аниқ кўриниб турибдики, эркак саҳобалар Ойша розияллоху анҳо мунчоқ учун қаттиқ қайғуга тушиб қолганини арзимас иш деб санаган, уни деб қўшини йўлдан олиб қолиш тўғри эмас, деб билган. Лекин мунчоқ Ойша розияллоху анҳонинг мулки эмасди. Шунинг учун бировнинг молини йўқотиб қўйишдан қаттиқ ташвишга тушиб қолган эди. Аллох таоло уни мана шу иши учун икки марта муқофотлади. Биринчиси, у мунчоғни туянинг тезағи тағидан топиб олди. Иккинчиси, сув топа олмаганлар ёки узрли кишилар учун таяммуум қилишга рухсат берилишига сабаб бўлди (Имом Бухорий ривояти, 327-ҳадис).

Имрон ибн Ҳусайн розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

“Пайгамбар соллalloху алайҳи васаллам билан бир юришда бирга эдик. У зот мени ўз олдиларидаги марқабага қўйдилар. Жуда ҳам қаттиқ чанқади. Юриб бораётсак, бир аёл икки қўзининг орасида оёғини осилтириб ўтирибди. Биз унга: “Сув қаерда?” дедик. “Сув йўқ”, деди у. “Сенинг аҳлиг билан сувнинг ораси қанча?” дедик. “Бир кечаю бир кундуз”, деди у. “Юр, Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг олдиларига!” дедик. “Расулulloх нима?” деди у. Биз уни ҳоли жонига қўймай, Пайгамбар соллalloху алайҳи васалламнинг қаршларига олиб бордик. У бизга айтган гапларини У зотга ҳам айтди. Фақат У зотга етим болалари борлигини ҳам айтди. Бас, У зот унинг икки қўзасини олиб келишга амр қилдилар ва қўллари ила уларнинг оғзини силдидилар. Биз қирқ нафар чанқоқ киши ўндан ичиб сероб бўлдик. Узимизнинг барча қўза ва мешкобларимизни тўлғазиб олдик. Туялар сувга тўйганидан ёрилиб кетай деди. Сўнгра У зот: “Ўзингизда бор нарсаларни келтиринлар”, дедилар. Биз у аёлга ўзи-

миздаги нон бурдалари ва хўрмоларни йиғиб бердик. У ўз аҳлига бориб: “Мен одамларнинг энг сеҳргарига ёки улар даъво қилаётганидек Пайгамбарга учрадим”, деди. Аллох ўша аёл сабабли у кўчманчиларни ҳидоят қилди. У ҳам муслмон бўлди. Улар ҳам муслмон бўлдилар” (Имом Бухорий ривояти, 337-ҳадис).

Жобир ибн Абдуллох розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Бир аёл: “Эй Расулulloх, Сиз ўтиришингиз учун минбар ясалтиб берайми? Чўнки менинг дурадгор қўлим бор”, деди. У зот: “Агар хоҳласанг, минбар қилиб бер”, дедилар” (Имом Бухорий ривояти, 437-ҳадис).

Абу Саид Худрий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

“Бир аёл Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг хўзурларига келиб: “Эй Аллоҳнинг Расули, эркаклар ҳадисингизни олиб кетди. Аллоҳ Сизга билдирган нарсалардан бизларга ҳам таълим беришингиз учун ўзингиз бир кунни тайин қилсангиз”, деди. У зот: “Фалон кунни фалон жойда тўпланинг”, дедилар. Ўша кунни Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам уларнинг олдида келиб, Аллох билдирган нарсалардан уларга таълим бердилар...” (Имом Бухорий ривояти, 6880-ҳадис).

Хулоса шуки, айрим нопок кимсаларнинг “Саҳиҳи Бухорий”да аёллар шаъни камситилгани ҳақидаги даъвоси асоссиз. Чўнки аёлларга тегишли мазкур ҳадислар атайлаб бўзиб, нотўғри талқин этилган. Зеро, Имом Бухорий ривоят қилган мазкур ҳадислар ҳар хил лафзлар билан бошқа саҳиҳ тўпламларда ҳам келган. Аммо бу кимсалар айнан “Саҳиҳи Бухорий”ни нишонга олган, чўнки у мусулмонлар ҳеч бир иккиланишсиз қабул қиладиган, ишончлилик борасида Қуръони каримдан кейинги ўринда турадиган мўътабар манбадир.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Ҳар кимнинг ўз йўли, овози бўлсин



Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев билан суҳбат



бориб тақалади. Ҳофиз ўз санъати ила руҳ, кўнгил тарбиясига дахлдор инсон, тарбиячи. Яхши кўшиқ тинглаган кишининг қалбида нималардир рўй бермоғи керак, ақл-идроқида инсоний бир фазилат уйғонмоғи, у ўз ҳаётини, бу ёруғ дунёга нима учун келди-ю, қандай кетиши кераклигини ўйламоғи лозим. Бу — муболага гап эмас. Оддий қилиб айтганда, яхши санъаткор инсонларни инсонийликка, яхшиликка чорламоғи, оз бўлса-да, кўнглига, ҳаётига ёруғлик олиб кирмоғи шарт. Бунга эриша олмаганларни санъаткор, деб бўлмайди. Музейда машҳур санъат асарини томоша қилсангиз, ҳаёлингизга дидингизга яраша фикр келади. Суратда биров чўмиллаётган аёлни, бошқа биров покланаётган дунёни кўради. Улғу устоз суҳбатда бўлсангиз, у кишидан кўп нарсга ўргана-сиз. Кўшиқнинг ҳам шундай вазифаси бор. Бу қулоғингиздан кириб, унисидан чиқиб кетса, бундан нима фойда?

Энди қаранг-да: бугун кўшиқчилигимизда қандай манзара кўзга ташланмоқда? Тўйларга бориб кўрсангиз, ўзбекча ашула, деб айтаётган кўп кўшиқларнинг мусиқаси ўзбекча эмас. Бизнинг минг йиллик миллий руҳимизга сингмайдиган, дидимизни ўтмаслаштирадиган, маънавий меросимизга зийн етказадиган кўшиқлардан қочиб қолган керак. Бундай ҳолатдан тингловчилардан аввал санъаткорлар хавотирга тушишлари зарур. “Э, бу нима бўляпти ўзи, бизни эшитишмаяпти-ку”, деган ҳадиксираш, яъни моли ўтлаётган савдогарларнинг ахволи каби ҳолат бўлиши лозим. Тўйларга санъаткорлар кўпича обрўсини, бунга қўшиб садоқатли мухлисларини ҳам йўқотиш учун бораётгандай. Одамлар, масалан, ашула эшитмай, еб-ичиб, биров латифа айтса, қаҳ-қаҳ отиб ўтираверади, таомлар пешма-пеш келиб турса бўлди,

“

Қаранг, куй чалинганида икки-уч ёшли бола ҳам ўзича у ён-бў ёнга қимирлайди, тебранади, эътибор берганмисиз? У ҳали тушунмайди, билмайди мусиқа нималигини, аммо ўзи билмаган ҳолда тебранади. Тўй-томошалардаги ашулаларнинг қалб ва руҳга дахли йўқ, чунки улар асосан йиғилганларни рақсга тушириш учун қилинган муваққат нарсалардир. Бу — жуда аччиқ гап, аммо ҳолат шундайки, бошқача айтиш, бошқача баҳолаш мумкин эмас.

Демак, санъаткор ўз ўрнини, даражасини билмоғи керак. Шу даражани ушлаб туриши зарур. Яхши ҳофиз бўлиб элга танилдингиз, одамлар сизни кўшиқчи сифатида ҳурмат қиляптими, шунга яраша бўлинг-да, биродар. Одамлар сизни зўр деса-ю, икки-учта кўшиқдан кейин тугаб қолсангиз, бошқа ҳеч нарсга билмасангиз, бошқаларнинг ашуласини айтсангиз, бошқа йўлларга бурилиб кетсангиз, ўз йўлингизни тополмасангиз, сиз эшитувчини эмас, эшитувчи сизни тарбия қила бошласа, бу энди жуда хунук манзара.

Масъулият касб-коридан қатъи назар, ҳар бир одамнинг елкасига катта юк юклайди, уни кўтара билиш керак. Шу дидерда тугилиб, шу жойда воғла етдингизми, шу Ватаннинг фарзанди бўлиб яшаяпсизми, унга фойда келтиришингиз керак. Биров меҳнати, биров ихтироси, санъаткор эса санъати билан.

Яхши кўшиқ, йиллар давомида ўзининг маъно-моҳиятини йўқотмайдиган санъат асарлари ҳар қуни пайдо бўлмайди. Шундай кўшиқлар борки, ижрочи уни бутун умри давомида яратади. Баъзан улгурмай ҳам қолади. Менинг жавобим шуки, санъаткор бир умр изланиши, ўз кўшигини, йўлини, айтадиган сўзини ахтариши зарур. Ўзинг топган йўлдан юриш нақадар ёқимли, ҳеч қим “Ҳой, бу ерда нима қилиб юрибсан?”, демайди.

— Ўзингизга ўзингиз танқидий кўз билан ҳам қарай olasизми? Маъзур туттайсиз, катта ютуқлар, муваффақиятлар ора-сирасида яна “нима”лардир кўзга ташланиб, қулоққа чалиниб ҳам туради-да...

— Жуда нозик, аммо жавоб қайтарса бўладиган савол. Халқимиз азал-азалдан санъат ахлига, хусусан, ҳофизларга меҳр-оқибат кўрсатиб келган. Муҳлислар эл-юрт меҳрини қозонган ҳофизларнинг ҳурматини юйишга қўйишга яқин олади, тўйларига, яхши кунларига тақдир этади.

Санъатдаги озми-кўпми меҳнатим, изланишларим туфайли мен ҳам шундай мурувватлардан четда эмасман. Тақдир кўп. Қарога борсангиз, самимий илтифот, иззат-икром. Аммо биласизми, бундай муносабат баъзан одамни чалғитади. Негаки, ютуқлар қанотидега нима иш қилсангиз, нима сўз айтсангиз, тўғрига ўхшаб кўринади. Хато гапирётган бўлишингиз ҳам мумкин-ку. Муҳлислар сизга хайрихоҳлик билан қараётгани, йиғирма-ўттиз йилдан бери уларнинг энг қувончли кунларида бирга бўлганингиз сабабли сизга шундай туюлади. Шу сабаб хатоларингизни улар кўрмайди. Кўрса ҳам бетингизга айтишлари келмайди. Одамнинг юзи иссиқ, “Ха, устоз бир эркалик қилса, қилибди-да, устозники табаррук”, дейишди, холос. Камчиликларимга, ўзимга танқидий кўз билан қараишда мана шу жиҳатларни кўп ўйлайман. Ўзимиздан ўтган хатоларга жавоб тариқасидаги муносабатни вақтида аниқлаб етмаганимизнинг боиси ҳам шунда. Танқидий кўз билан қарайман, деса камчиликларимиз етарли. Ҳаммамиз Аллоҳнинг бандасимиз.

— Лекин камчиликларни сезиш бошқа, уларни тақдорламаслик, тазатиш бошқа бўлса керак?

— Албатта. Бу фикрингизга қўшилман. Шу ерда бир фикрни очик айтишим керак. Танқид кўпларга ёқмайди. Айниқса, аччиқроғи. Бизни устоз дейдиган шогирдлар кўп, уларга-ку, камчиликларини тушунтириш мумкин, тушунади, тузатади ҳам. Бироқ сахнада бирга қўйлаётган, санъатда бирга-бирга қадам ташлаётган, элга танилиб бўлган баъзи қадрдонларга бир нима десангиз, қабул қилишлари қийин, тўғри танқидни ҳасад деб биладиганлар ҳам йўқ эмас. Ана энди буёғини тасаввур қилверинг.

— Умрида бирор марта кўшиқ қўламаган, хиргойи қилмаган одамни учратиш қийин. Бугун миллий кўшиқчилигимизда ижрочилар сони беҳад кўпайиб бораётганини қандай баҳолаш мумкин?

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ДОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

— Юрагидега завқ бор одам ногора чалинса, ҳатто оддий қарсаққа ҳам ўйнайди. Масалан, бизнинг Андижонда, Фарғонада ёғоч оёқни қийиб, сурнай, ногора чалиб, лўли болалар тўй бўлаётган, ош берилаётган жойга кундузи кириб келади. Уйинга тушади. Уларнинг қўлига уч-тўрт сўм пул берилади, ўйнаб-ўйнаб чиқиб кетади. Уларнинг чанги босилмай, яна бошқа “ансамбль” кириб келади. Тўй эгаси ҳайрон, аммо “Э, тўхтанглар, ҳозир келиб кетишди-ку”, демайди.

Сиз айтган “ижрочи”лар сони беҳад кўпайиб бораётганини мен шу ҳолатга қиёслашман, уша манзара кўз олдимга келади. Худди шунга ўхшаб қолди кўп ижрочилар. Кўплари шунчаки тирикчилик учун ҳаракат қилади. Мана шундай ҳолатга тушиб қолмаслик керак, деган хулосага келаман баъзан. Дуч келган сўзини, мана бу нарсга кетаркан, деб айтивериш тўғрима, бир-икки сўмлик бўлман деб, иллаб йиққан обрўингизни тўқмаслигингиз керак. Сабаб, баҳона кўп, бироқ вақт — олий ҳакам, қуни келганида ҳаммасини жой-жойига қўйиб беради.

— Ёш санъаткорлар орасида “Мен Шерали Жўраевнинг шогирдларим”, дейдиганлар кўп. Бунинг ёмон жойи йўқ, албатта. Аммо шогирд бўлишликнинг ҳам маъноси бўлиши керак, шундай эмасми? Устоз овозига тақлид қилиб, унинг кўшиқларини тақдорлаб, умр ўтказишни қандай баҳолаш мумкин?

— Бир маҳаллар тақлидчиларга жавоб тарзида “Қўйла, фақат ўз сазинг билан, қўрбақадай бўлса ҳам хатто”, деган сўзларни кўшиқ қилиб айтишимга тўғри келган. Шогирдларнинг бўлиши яхши, албатта. Лекин устоз-шогирдликнинг ёзилмаган қондалари бор. Меъёрни сақлай ололган шогирдгина шогирд ҳисобланади. Бизнинг кўшиқларимизни айтиб, бизга ҳавас қилиб сахнага чиқаётган ҳофизлар кўп. Кўпларининг ҳатто исмларини ҳам билмайман. Тирикчилигини ўтказиб, бола-чака боқиб юрибди. Кўплари ўзини тикилаб олган, энди эса бошқа бир йўл топишлари керак.

Шогирд устоздан ашула айтиш сирини ўрганиши мумкин, бироқ асли нусхани тақдорламасин. Мана бу ишларни қаранг-да: дейлик, бир тўйда шогирдимиз бизнинг овозда гумбурлатиб ашула айтаяпти, шу пайт биз кириб келамиз, одамлар энди биздан, яъни асл нусхадан эшитгиси келади. Ўз-ўзидан ҳали ҳофиз йўқ бўлиб турибди-да. Бу томонлари ҳам бор. Баъзан менинг ичим ачишади шу ҳолатларда. Ўзимга эмас, уларга ичим ачишади. Негаки, менинг йўлима айтаётган одам, уша мен кириб чиққан йўлларга яна қайтадан кириб чиқишига тўғри келади. Бунинг эса ҳеч қандай қизғини йўқ. Шунинг учун бу йўлга қирадиган ҳар бир киши ўз йўлини топаман, деб кирмоғи, шунга жон-жаҳди, қалби, вужуди билан интиломоғи керак. Маслаҳат шу.

Суҳбатдош: Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ.

1996 йил, август



— Мухлислар билан суҳбатларингиздан бирида “Кейинги пайтда кўп ўқидим, Ҳазрат Навоий, Фузулий, Бобур Мирзони қайта ўқиб чиқдим. Кўп нарсаларни янгидан идрок этишга, авваллари эътибор бермаган нарсаларим маъзини чақишга тўғри келди”, дедингиз. Ўйлаб қурилса, бу — кейинги йилларда юзага келган шароит — ўзлиқни аниқлаш, ўзлиққа қайтиш билан боғлиқ заруратга ўхшади. Биз касбимиздан қатъи назар, кўп ҳолатларни, сиз айтгандай, қайта идрок этишимиз, миллат олдидаги бурчимиз, жамиятдаги ўрнимиз тўғрисида танқидий мушоҳада юртишимизга тўғри келади. Мен сизни шундай тушундим...

— Ҳазрат Навоий, Фузулий ва бошқа мумтоз шоирларни ўқиганда, одам йўқотиб қўйган қимматбаҳо нарсасини топиб олади-ку, ўшанақа бўларкан. Қўмилиб ётган хазинани топиб олганга ўхшаб кетасан. Бой бўп кетасан. Шундай қилишимиз керак. Чунки бунга эҳтиёж бор. Ҳеч қим сени “Мана бу китобларни ўқи, боболаринг қимлигини бил, уларга муносиб бўл”, деб мажбур қилмайди. Аллоҳдан ишоратдай, ўзинг ўзгара бошлайсан, ўзинг-ўзингга тарбиячи бўлиб кетасан. Эндиликда қуруқ, дардсиз, ялтироқ сўزلардан иборат кўшиқ қўйлаш қаёқда-ю, бир дунё маънога эга бўлган ғазалларни шоирнинг дардини тушунган, айтмоқчи бўлган фикрини юракдан ўтказган ҳолда айтиш қаёқда?! Бу мутоабар зотларнинг мутлоаси инсон томирларидаги қонни яхши айланишга мажбур қилади, янгилайди, дунёни қайта идрок этишга, “опамда шунақа нарсалар ҳам бор экан-ку”, дея ўйлашга ундайди. Санъатга келганда, қалами, сўзи ила машҳур зотларнинг кўнгил фарёдлари, содда қилиб айтсам — сўз билан ифодаб бўлмайдиган янги кечинмаларни ҳаёлга келтиради. Ойнага қарагандай, ўзингга бир қараб оладиган пайт келди-да. Худди мана шу нарсга ҳаёлингга келдимми, тасаввур қилдингми, юрагинг “жиз” этди-ми, ана ўшанда янги, умри узоқ кўшиқ яралади. Киши қалбини мудраётган жойлари уйғонади. Томирлар жонланади, ҳаракатга келади.

Мана, ёшимиз ҳам эллиқка етди. Бу ёшдаги одам, у санъаткорми, бошқа касб эгасими, ёш йигитнинг қилғини қилавермайди-да. Шу боис, ўзимизга ўзимизнинг саволимиз, қарашларимиз, баҳо беришимиз эндиликда бошқачароқ бўлиши керак. Сиз тилга олган улғу зотларнинг мўтабар китобларида бу саволларга жавоб бор. Шунақа жавоблар борки, улар сизни шу ондаёқ

ўзгартиради, кўнглингизга чироқ тутайди, хато ишларингиздан хижолат тортиб кетасиз.

Бундан йигирма-йигирма беш йил аввал қўйлаган кўшиқларимни эслайман. Уларнинг эшитувчилари, ҳақиқий ихлосмандлар, назаримда, энди-энди пайдо бўлаётгандай. Лекин ўша кўшиқларни ҳам бугунги кун нигоҳи билан кўриб чиқишимга тўғри келяпти. Енгил-елпи ашулалар қўлайиб кетди. Бир марта эшитиладиган, шу билан умри тугайдиган, унутиладиган саёз, қуруқ хиргойилар. Қўлоқни қоматга келтиради, аммо нафи йўқ. Инсоннинг руҳини озиклантирмайдиган, қалбини тарбияламайдиган ҳар қандай “санъат”нинг маънавий қамолотга, инсон тарбиясига дахли йўқ деб ўйлайман. Негаки, улар бозор расталарида қалашиб ётган, ялтироқ қоғозларга ўралган, лекин кишини касал қиладиган чучмал ширинликларга ўхшади.

Хуллас, кўшиқчиликда аҳвол бир оз мураккаблашди. Буни қарангки, бу ҳолат одамларнинг меъдасига тега бошлады ҳам. Шуларни кўпроқ кузатдим, шу кузатишлар жараёнида ўзим камроқ кўринишга ҳаракат қилдим. Ичи бўш, ялтироқ кўшиқлар қилмасликка ҳаракат қилдим, ўзимни ўзим ушлаб турдим, чидадим шунга. Аммо фурсатни бекор ўтказмадим, мутлоаага берилдим. Навоий Ҳазратларининг мана бу ғўзал, қўйма сатрларига эътибор беринг:

Чун рақибимга рақиб эрди ҳабиб, эрдим тирик,
Найлай ўлмайиким, ҳабибимга ҳабиб ўлмиш рақиб.

Ёки:
Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзунани шод тут,

Елга етмак мумкин эрматур чу суръат кўреузуб.

Бу мисралар ҳамиша онг-тафаккуримизда бўлиши керак. Навоийдан узоқлашиб миллат учун жуда катта хавф. Қани энди, буни тезроқ тушуниб етсак.

— Масъулият деган сўзга қандай қарайсиз? Менимча, ҳамма соҳада ҳам масъуллик ҳиссисиз бир нимага эришиб бўлмайди. Ишчи ҳам, деҳқон ҳам, қурувчию тиббиёт ходими, аввало, масъулият ҳис қилиши керак. Бу энди ҳаммага ойиди равшан ҳақиқат. Элга танилган ҳофиз сифатида сиз санъаткор масъулиятини қандай тасаввур қиласиз?

— Бу саволингиз биринчи сўровингизнинг мантикий давоми. Санъаткор масъулият, деганда гап яна маҳорат билан бирга, санъаткорнинг тарбияси, одоби, дид-фаросати, саводи, демакки, эл-юрт кўз унгида намоён бўлишига



“

Масъулият касб-коридан қатъи назар, ҳар бир одамнинг елкасига катта юк юклайди, уни кўтара билиш керак. Шу дидерда тугилиб, шу жойда воғла етдингизми, шу Ватаннинг фарзанди бўлиб яшаяпсизми, унга фойда келтиришингиз керак. Биров меҳнати, биров ихтироси, санъаткор эса санъати билан.

ашула эшитмайди. Шундай вазиятда терга ботиб кўшиқ қўйлаётган санъаткорнинг ахволини тасаввур қиласизми? Бу ҳолатнинг бошқа сабаби ҳам бор — эшитувчи эшитадиган, тушунадиган, ибрат оладиган, тасвирланадиган ашула айтаилмапти-да. Муаммо шунда. Айтаилганларнинг ақсариётида эса фикр, таъсир, тарбия йўқ.

Қаранг, куй чалинганида икки-уч ёшли бола ҳам ўзича у ён-бў ёнга қимирлайди, тебранади, эътибор берганмисиз? У ҳали тушунмайди, билмайди мусиқа нималигини, аммо ўзи билмаган ҳолда тебранади. Тўй-томошалардаги ашулаларнинг қалб ва руҳга дахли йўқ, чунки улар асосан йиғилганларни рақсга тушириш учун қилинган муваққат нарсалардир. Бу — жуда аччиқ гап, аммо ҳолат шундайки, бошқача айтиш, бошқача баҳолаш мумкин эмас.